

MUNDARIJA

Бахриддинова Б.М.	Ўзбек тилида дастлабки икки тилли ва меъёрий ўқув луғатларининг яратилиш тарихига доир.....	174
Achilova R.A., Maxmurova M.H.	Ikkinchi tilni o‘rganish tadqiqotlarida zamonaviy yondashuvlar.....	182
Nayotova D.Z.	Konsept va tushuncha atamaları orasidagi farq.....	185
Abdullaeva L.A.	The role of abbreviations and acronyms in legal discourse	189
ADABIYOTSHUNOSLIK		
Ҳайитов Ш.А.	Адолат мезони.....	193
Астанова Г.А.	Шахризода ҳикоятларида тарихий ҳақиқатларнинг аёллар образида акс этиши.....	204
Нуриддинов Ш.	Комил Хоразмий “Девон”и манбаларининг қиёсий таҳлиliga доир айрим мулоҳазалар	208
Муҳаммадиев А.М.	Қўқон адабий муҳити: давр ва шахс.....	212
Солижонов М.З.	Ривоят ва афсона ўртасидаги ўхшашлик ва фарқлар хусусида.....	223
Нуруллаева С.М.	Замонавий ўзбек шеърларида дев образи стилизацияси ва метафоризацияси хусусида..	227
Худойқулова М.А.	XX асрнинг 20 йилларида баҳс-мақола жанри ривожини.....	231
Равшанова Г.Қ.	Абдулла Орипов ҳажвиётининг кирралари.....	237
Назарова Г.П.	Инглиз ва ўзбек оғзаки ҳамда ёзма адабиётларида пари образи талқини.....	240
Муртазаева Ф.Р.	Концептуальные женские образы в прозе Зульфии Куралбой кизи.....	245
Холбоева М.А.	Романный мир и мир в романном мышлении Чингиза Айтматова.....	250
Мардонова Л.У.	Тарихий шахс образини яратиш ва бадиий талқин.....	255
Пардаева Д.Р.	Шароф Рашидов ижодида мифологик элементларнинг қўлланилиши (“Икки дил достони” асари мисолида).....	258
NAVOIY GULSHANI		
Ражабова М.Б.	Сабр тоғин маскан эт... ..	264
FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK		
Раупов С.С.,	Из истории становления и развития органов самоуправления граждан в Узбекистане...	267
Ахмедов Х.	Жамият ҳаёти ва маънавий муҳит.....	271
Агабаев Ш.К.	Толерантлик – ижтимоий-сиёсий фанларнинг муҳим феномени сифатида.....	275
Музаффаров Ф.Д.	Имом Ғаззолий ва Аҳмад Ғаззолий меросида тасаввуфий тажрибанинг аҳамияти.....	281
TARIXSHUNOSLIK		
Ҳайитов Ш.А., Раҳмонов К.Ж.	“Бухорхудот”, “Бухорий” ва “Бухария” номлари ва Саудия Арабистондаги бухорийлар.....	285
Ҳайитов Ж.Ш.	Бухорода Америка пахта навининг тарқалиши ҳақида даврий матбуот маълумотлари (“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари материаллари асосида).....	291
Хошимов С.	Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг миллий муҳолифатга қарши юритган қатағон сиёсати тарихидан.....	296
IQTISODIYOT		
Қаҳҳоров О.С.	Олий таълим муассасаларини инновация асосида бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари.....	301
Tadjieva S.U., Ergashev S.M.	Development of family business in hotel sector of bukhara region.....	310
PEDAGOGIKA		
Саидов А.И.	Ўзбек оилаларида соғлом турмуш тарзи психологиясини шакллантириш муаммолари.	313
Джумабоев Ж.З.	Ҳарбий таълим тизимини такомиллаштиришда миллий кадрларимизнинг ўрни.....	318
Файзиёва У.А., Жалилов З.Б.	Методическое обеспечение по внеаудиторной деятельности студента.....	321
Юнусов Ш.Т.	Организационное сопровождение реализации международного сотрудничества высшего образовательного учреждения.....	325
Pulatova M.E.	Boshlang‘ich sinf o‘qituvchilarining innovatsion faoliyatini rivojlantirish.....	331
SAN‘ATSHUNOSLIK		
Мамурова Д.И., Ибатова Н.И., Бадиева Д.М.	Геометрик жисмларни тасвирлаш модулини ўқитишда инновацион таълим технологияларидан КЕЙС-СТАДИ методикасида фойдаланишнинг аҳамияти.....	335

17. Романенко Л.М. Лики российской толерантности (Размышления участницы симпозиума). // Полис. 2002. №6. с. 176.
18. Ртвеладзе Э.В. Великий шелковый путь. – Т.: Шарқ, 2000.
19. Сагдуллаев А., Ртвеладзе Э. В стране золотого огня. – Т.: Узбекистан, 1983. – С. 77- 83.
20. Сагдуллаев А. Антик ва илк ўрта асрлар даврида ўрта осийда толерантликнинг хусусиятлари. //Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш борасида раҳбар кадрлар олдида турган вазифалар: мавжуд ҳолат, муаммолар ва ечимлар Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Т., 2019. 12-13-б.
21. Секст Эмпирик. Сочинения в двух томах. Т. 1. / Вступит, статья и пер. с древнегреч. А. Ф. Лосева. – М.: Мысль, 1975. с. 247.
22. Философский энциклопедический словарь. / Под ред. А. Б. Васильева. 2-е изд. – М.: Инфра 2011. – 576 с
23. Швейцер А. Благоговение перед жизнью: пер с нем. – М.: Прогресс, 1992. –576 с.

УДК: 1(091) (55)

**ИМОМ ҒАЗЗОЛИЙ ВА АҲМАД ҒАЗЗОЛИЙ МЕРОСИДА ТАСАВВУФИЙ
ТАЖРИБАНИНГ АҲАМИЯТИ**

**ЗНАЧЕНИЕ СУФИЙСКОГО ОПЫТА В НАСЛЕДИИ ИМАМА
ГАЗАЛИ И АХМАДА ГАЗАЛИ**

**SIGNIFICANCE OF THE TASAWWUF EXPERIENCE IN THE HERITAGE
OF IMAM GHAZALI AND AKHMAD GHAZALI**

Музаффаров Фируз Давронович

*БухДУ миллий гоя, маънавият асослари
ва ҳуқуқ таълими каф. мудири (PhD)*

Аннотация. Мақола тасаввуф тарихида ўзига хос ўринга эга бўлган Имом Ғаззолий ва укаси Аҳмад Ғаззолийнинг маънавий меросида тасаввуфий тажрибанинг ўрни ҳамда унинг умумтасаввуфий моҳияти таҳлилига қаратилган.

Таянч сўзлар: Имом Ғаззолий, Аҳмад Ғаззолий, Савониҳ ул-ушишқ, қалб, тана, руҳ, сир, шиқ, ошиқ, машуқ.

Аннотация. Статья посвящена сущности роли суфийского опыта в духовном наследии Имама Газали и его брата Ахмада Газали, которые имели специфическую значимость в истории общесуфийского наследия.

Ключевые слова: Имам Газали, Ахмад Газали, Саваних ул-ушак, душа, тело, сердце, секрет, влюбленный, возлюбленный.

Annotation. This article is dedicated to the analysis of the significance of tasawwuf experience in the spiritual legacy of Imam Ghazali and his brother Akhmad Ghazali who had special importance in the history of tasawwuf legacy and its general tasawwuf essence.

Key words: Imam Ghazali, Akhmad Ghazali, Sawaneh ul-ushak, soul, body, heart, secret love, enamored, beloved.

Мустақиллик ўтмиш маънавий ҳаётининг ўрганилмай келинаётган саҳифаларини очиш имкониятини берди. Ўтган йиллар давомида қатор алломаларимизнинг номлари билан бирга, серқирра илмий-маънавий мерослари ҳам юзага чиқарилди. Қисқа давр ичида мамлакатимизда ўзига хос тасаввуфшунослик мактаби шаклланди. Бу мактабнинг йирик вакиллари Н.Комилов, И.Ҳаққулов, О.Усмон, Г.Наврўзова, С.Олим, А.Ш.Жузжоний, С.Рафиддинов, Р.Носиров, И.Остонакулов ва бошқа олимлар томонидан тасаввуф тариқати ва адабиётига доир жиддий тадқиқот ишлари амалга оширилди.

Ислом оламининг даҳо мутафаккирларидан бири, Шарқда Ҳужжат ул-Ҳаққ номи билан машҳур бўлган Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад Ғаззолий ўз илмий мероси билан

юқорида номлари зикр этилган донишманд алломалар орасида ўзига хос ўринга эга бетакрор шахсдир. Унинг илм-фан, бой маънавиятимизга қўшган ҳиссаси бекиёс ҳисобланади. Аллома ўз қарашлари асосида, инсон тафаккурининг сирли қирраларини кашф этишга мушарраф бўлиши билан бирга, инсониятнинг ёркин хотирасида абадий ўчмас ном қолдирган.

Бугунги кунда мамлакатимизда тарихий-фалсафий меросга ижобий муносабат натижасида Имом Ғаззолий меросига доир янги манбалар ва унинг айрим асарларининг таржималари чоп этилди. Бу манба ва асарларни фалсафий тадқиқ ва таҳлил этиш, ижобий жиҳатларини фуқаролик жамияти қурилишига татбиқ этиш ижтимоий заруратдир. Жаҳон Ғаззолийшунослигида аллома шахсияти ва асарларини ўрганиш тасаввуф тарихини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади.

Имом Ғаззолий (1058-1111)нинг ислом тафаккури тараққиётидаги аҳамиятли мавқеи, тасаввуф тарихидаги ўзига хос ўрни унинг нафақат юксак савияли соф исломий асарлари билан балки, тасаввуф билан исломни келиштирувчилиги натижасида ислом маънавияти тарихида қўйган мантикий нуқта билан ҳам изоҳлаш мумкин. Худди шундай юксак ҳурмат-эҳтиромга лойиқ кўрилган, унинг укаси Аҳмад Ғаззолий ҳам тасаввуф соҳасида сермахсул ижод қилган мутасаввифлардан биридир. Алломанинг тўлиқ номи Имом Маждуддин Абул-Футуҳ Аҳмад бин Муҳаммад бин Муҳаммад бин Аҳмад Ғаззолий ат-Тусийдир (1061-1123). Кунyasi Абул-Футуҳ бўлиб, Зайниддин, Маждуддин ва Ишҳабуддин каби номлар билан танилган. Манбаларда ўзи ҳақида қўлланилган ифодалардан баъзилари қуйидагилардир: “Маликул-абдол”, “Султонут-тариқат”, “Шай ул-машойих”, “Жунайди-сонини”, “Куррату айни Муҳаммад Мустафо”, “Соҳиби каромат ва ишорат”, “Жамолул-ислом” [1,1].

Шарқ тарихи ҳақида ёзилган манбаларда ушбу мутафаккир ҳақида баъзи имо-ишоралардан ташқари ҳеч қандай маълумот йўқ. Бу мавзудаги фикрлар Имом Ғаззолий даври манбаларида мавжуд. Ушбу манбаларда кўрсатилишига кўра, Имом Ғаззолийни Аҳмад исмли укаси бўлганлиги, илм ва тасаввуфга майл этганлиги, фақиҳлар ва воизларнинг суҳбатларида бўлганлиги нақл этилади. Уларнинг оталари вафотидан икки йил олдин ўғилларини сўфий дўстига қолдирганлиги ҳам айтилади. Баъзи манбаларда Аҳмад Розконийга омонат қилиб қолдирилади, [2,1-4] деб ҳам кўрсатилади.

Умуман, Аҳмад Ғаззолий ҳақида берилган маълумотларда илк ҳожаси Аҳмад Розконийнинг таъсири воситаси билан тасаввуфга кирганлиги, сайри-сулук йўлида риёзат чекканлиги айтилади. У ўзининг асарларида тарбиясига таъсир қилган шайхларнинг номини зикр қилмаган бўлса-да, Шайх Абубакр Нассож ат-Тусий унинг шайхи бўлганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Шайх Абубакр Нассож ат-Тусий айни вақтда Имом Ғаззолийнинг ҳам шайхи деб қабул қилинган.

Тасаввуфий дунёқарашга эга Аҳмад Ғаззолий ҳаётининг илк даврларида инсонлардан узоқ бўлишга ва узлатга эътибор қаратиб, кейинги асрларда Хуросон-Нишопур мактабида ўзига хос бўлган ишқ, важд ва жазба тариқатини ёйган. Шу жиҳатдан форс тилида ёзган “Савониҳ ул-ушшоқ” номли асарида ишқ, ошиқ, машуқ ва умуман ишқнинг метафизикасини назарий жиҳатларини кўрсата олган илк тасаввуф вакилидир.

Тасаввуф тарихидаги барча тариқатлар маънавий бир занжир билан ё Алига ёки Абубакр воситаси билан пайғамбаримиз Муҳаммадга бориб тақалади. Бу жиҳатдан Аҳмад Ғаззолий пайғамбаримиз маънавий меросини бир силсила занжири билан ўзидан кейингиларга боришда аҳамиятли бир ҳалқадир. Манбаларда ушбу силсила ҳақида қуйидагилар кўрсатилади: “Аҳмад Ғаззолийга қадар ўз тариқат силсиласи шу шаклдадир. Ҳасан Басрий, Ҳабиб Ажамий, Маъруф Кархий. Сари Сақатий, Жунайд Бағдодий, Абу Али Рудборий, Абу Али Котиб, Абул Қосим Гургоний, Абубакр Нассож, Аҳмад Ғаззолий”. Уни ўзидан кейинги тариқатларга боғлаган иккита ном бор.

Булардан бири Абу Нажиб ас Суҳравардий (ваф. 1167), иккинчиси эса Сауниддин Абул-Фазл ал-Бағдодий (ваф. 1155-56). Бу икки муриди уни ўзидан кейинги ҳам шиа ҳам сунний тариқатларга боғлаган аҳамиятли ҳалқадир. Абу Фазл Бағдодий билан давом этган силсила Аҳмад Ғаззолийни Шох Нейматуллоҳ Валий йўли билан Нейматуллоҳия тариқати воситасида Акбария ва Шозилия тариқатига боғланади. Бу ерда шуни алоҳида қайд этиш

лозимки, Аҳмад Ғаззолийни суннийликдаги катта тариқатларга боғлаган асл аҳамиятли халқа Абу Нажиб ас-Сухравардийдир. Аҳмад Ғаззолий Сухравардий йўли билан Сухравардия, Кубравия, Мавлавия, Халватия, Десукия, Зайнийя каби тасаввуф тарихининг катта тариқатларига маънавий йўл билан таъсир этган [3,124-125].

Манбаларда Аҳмад Ғаззолийнинг форс буюк шоири ва орифларидан Ҳаким Санои Ғазнавийнинг номи ҳам келтирилади. “Тароикул-ҳақойиқ” номли асарда Ҳаким Саной Айнул Кудот билан биргаликда Ғаззолийнинг талабаси бўлганлиги айтилади.

Юқоридаги фикрлардан ҳам кўриниб турибдики, Аҳмад Ғаззолий ҳам яшаган даврда ҳам ундан кейинги давр сўфийларига катта таъсир этган мутасаввифдир. Ғаззолийшунос олим Муртазо Зубайдий тадқиқотларида Имом Ғаззолийнинг тасаввуфий дунёқараши тадрижатида Аҳмад Ғаззолийнинг ўрни алоҳида эканлиги таъкидланади.

Аҳмад Ғаззолий араб ва форс тилининг ҳар иккаласида бир хил қалам тебратган мутасаввифлардандир. Унинг энг аҳамиятли шоҳ асари “Савониҳ ул-ушшоқдир”. Бу асарни Саинуддин номли бир дўстининг ишқ маъносини ёритиб берувчи бир асар ёзишини истагани учун ёзганлиги қайд этилади. Асар бир дебеча ва етмиш беш фаслдан иборат. Ушбу асарда башарий ва илоҳий ишқнинг моҳияти ёритиб берилади. Бошқача айтганда, бу асарнинг асосий мавзуси ишқнинг метафизик талқинидир [4,186-187].

Рисолада жумлалар қисқа ва аниқ, маъно жиҳатидан теран, ўзидан олдинги тасаввуф вакиллари фикрларидан иқтибослар келтирилган ҳолда ифодаланади. Асарнинг тамал нуқтаси Куръоннинг Моида сурасининг шарҳи деб бемалол айтиш мумкин. Ошиқ ва машуқнинг сифатлари, машуқнинг ошиқ устидаги мутлақ ҳокимияти, такаббур ва манманлик, ишқ ва айрилиқ, ишқ ва қизғанчиқлик асарнинг асосий мавзуларидир.

Аҳмад Ғаззолийнинг Бағдодда бўлган вақтда берган вазлари ва суҳбатларининг бир ерда тўплаган кичик ҳажмли араб тилида ёзилган асари “Мажолис”дир. Бу асарнинг нусхаси Дублинда “Честер Бетгий” кутубхонасида 3682/2 рақам остида сақланади. Асарда ибодатларга ихлосли бўлиш масаласи, шунингдек, ўзидан сўралган саволларга берган жавобларидан иборат. Асарда зикр этилган қарашларнинг оят, ҳадис ва Пайғамбар қиссалари билан асосланганди яққол кўзга ташланади. Асар Аҳмад Мужоҳид томонидан форс тилига таржима қилинган [5,5].

“Ат-тажрид фи калиматит-тавҳид” – араб тилида ёзилган кичик ҳажмли мазмунан жуда бой асарларидан биридир. Тавҳид мавзусига муаллифнинг ирфоний нуқтаи назардаги қарашлари жамланмаси. [1,14] Коинотда тавҳиддан бошқа бир ҳақиқат бўлмаганига ишора этган бу рисола, бошқа асарларида бўлгани каби қисқа бўлимлар ва терак фикрлаш тарзи билан Имом Ғаззолийнинг услубига уйғундир. Ушбу асар баъзи манбаларда Имом Ғаззолийга ҳам нисбат этилади. Асарнинг ёзма нусхалари қайдлари Аҳмад Ғаззолийнинг номи билан боғлиқ эканлиги, шунингдек, тил ва услубининг Аҳмад Ғаззолийнинг бошқа асарларига ўхшаш бўлганлигидан бу асарни кўпчилик тадқиқотчилар Аҳмад Ғаззолийга тегишли деб ҳисоблайдилар.

“Рисолат ат-тайр” – форс тилида ёзилган асар. Араб тилидаги таржимаси кичик фарқлар билан Имом Ғаззолийга нисбат этилади. Асар Аҳмад Ғаззолийнинг услубига уйғун ҳолда, шеърӣ шаклда ёзилишига кўра, “Савониҳ”га ўхшашдир.

“Рисолаи Айнийя ва Номаҳайи Аҳмад Ғаззолий” – бу асар талабаларига ва Айнул Кудот Ҳамадонийга ёзган мактубларидан майдонга келган асардир. Мактубларнинг ёзилиш сабаби муридларнинг иршод ва тарбиясидир. Мактублар арабча-форсча аралаш шаклда ёзилган. Ибодатлар, баъзи тасаввуфий мавзулар, диний ва ахлоқий тавсиялар, илм-амал бирлиги ва ўлимнинг ҳақиқати асосий мавзулардир. Мактубларда аввалги мутасаввифларнинг сўзлари ва ибрат берувчи маноқибларига алоҳида аҳамият берилган. Номи келтирилган асарларидан ташқари Аҳмад Ғаззолийга нисбат этилган. Буларнинг ичида Юсуф сурасининг тафсири бўлган “Баҳрул муҳаббат фи асрор-ул меваддат” номли асаридир.

Насруллоҳ Пуржаводий бу асарни Аҳмад Ғаззолийга тегишли эканлигини қайд этади. Унга тегишли деб ҳисобланган асарлардан яна бири само ҳақида ёзилган бўлиб, “Баворикул илма фи радди ала мен йухарримус-само бил-ижмо” номли асаридир. Бу асар Жеймс Робсон

томонидан 1938 йилда таржима ва таҳлил қилиниб, Лаҳорда нашр этилган. Яна шундай асарлардан бири араб тилида ёзилган “Сиррул-асрор фи кашфул-анвор” номли рисоладир. Бу асар Абдулҳамид Солих томонидан 1988 йилда Қоҳирада нашр этилган. Бундан ташқари, “Ал-Ҳаққ вал-Ҳақиқа”, “Аз-Зоҳира фи илмул-Басира” каби асарлар ҳам унга тегишли деб ҳисобланади.

Аҳмад Ғаззолийнинг тасаввуфий қарашларининг марказида Имом Ғаззолийда бўлгани каби қалб масаласи асосий ўринда туради. Аҳмад Ғаззолий қалбни инсон шахрининг ҳукмдори деб қабул этишини, қул ва хизматчилар ўрнида бўлган тананинг барча аъзолари яхши, ёмон бўлишига кўра ёмонлигини айтар экан, қалбнинг инсон баданидаги мутлак ҳокимиятига алоҳида эътибор қаратади. Қалбнинг ишлашини ишқ устига бино этган Аҳмад Ғаззолий эътирофига кўра, ошиқ бўлмаган қалб бўшлиқдан иборат, унинг танилиши ишқ билан бўлади. Бу жиҳатдан инсондаги ҳар бир азо бир ишни қилишини тилга келтирганидан кейин қалбнинг ишқ ва ошиқлик учун яратилганлиги, бошқа бир иш учун бўлмаганлиги тушунилади. Шу жиҳатдан Аҳмад Ғаззолий учун тавҳид билан ишқ айни бир нарсадир.

Аҳмад Ғаззолий қалбнинг мартабалари ва меърожлари бўлганини айта туриб, руҳ ва сирни қалбнинг бирор-бир мартабаси деб ҳисоблайди. Унинг эътирофига кўра, қалб оламига муридлар, руҳ оламига сиддиқлар ва сир оламига эса мурод соҳиблари юксалади.

Фикҳда Шофеъий эътиқодда Ашъарий бўлган Аҳмад Ғаззолийнинг тавҳид илми ва иймон масаласидаги фикр-қарашлари билан бирга у ўз маънавий меросида қазо ва қадар, саодат ва шақоват, рўятуллоҳ, мўъжизалар каби мавзуларда ашъарийларнинг фикрларини давом эттиради.

Аҳмад Ғаззолийнинг маънавий меросида тамал мавзу шубҳасиз ишқ мавзусидир. Тасаввуф тарихида уни ажратиб турган асосий жиҳат ҳам унинг ишққа доир фикр-қараш ва ифодаларидир. Робия ал-Адавия билан бошланиб сўнгра, Маъруф Кархий, Боязид Бистомий, Марсур Халлож каби сўфийлар билан боғлиқ ишқ мавзусикейинчалик мутасаввиф томонидан янада бойитилди ҳамда ўзидан кейинги шу мавзуга алоқадор сўфийлар учун назарий асос бўлиб хизмат қилди.

Аҳмад Ғаззолий ишқни – азалий ва илоҳий ҳақиқат ҳолида тушунтиради. Бутун мавжудотни ва табиий бўлган инсонни тўғри йўлга бошлаган қувват ишқдир. Ишқ азалда дейди мутафаккир, Зоти Аҳадиятга оид бир ҳақиқатдир. Унинг асарларида катта аҳамият қаратилган мавзулардан яна бири ибодат мавзусидир. Аллома ўз суҳбатларида, вазларида барчани, мактубларида эса муридларини ибодат ва итоатга буюрар экан, бу йўлга кирган ҳар бир кишига шариатнинг кераклигини алоҳида қайд этади.

Хулоса қилиб айтганда, Жалолиддин Румий таъкидлаганидек, Имом Ғаззолий бу дунёда илм дарёсини остин-устун қилди, илм байроғини очиб, самода уни ўрнатди. Агар унда Аҳмад Ғаззолийда бўлгани каби ишқдан бир зарра бўлсайди, янада яхши бўларди ва Ҳазрат Муҳаммаднинг яқинлик сирини Аҳмад каби биларди. Чунки дунёда ишқ каби бир устоз, бир муршид ва инсонни тўғри йўлга бошлайдиган бир кимса йўқдир. Ушбу фикрлардан ҳам билиш мумкинки, тасаввуф тарихида Аҳмад Ғаззолийнинг ўрни қандай эканлигини.

АДАБИЁТЛАР

1. Halil BALTACI. “Saf Aşkın Üstadı”: Ahmed Gazzâlî ve Tasavvuf Anlayışı. *Tasavvuf ilmî ve akademik araştırma dergisi*32 [2013/2], s. 1-41.
2. Ahmed Mücâhid. *Mecmua-i Âsâr-ı Fârsiyy-i Ahmed-i Gazzâlî. Tahran: İntişârât-ı Dânişgâh-ı Tahran, 1388, s. 268.*
3. Sâdik Vicdânî. *Tarîkatlar ve Silsileleri - Tomâr-ı Turûk-i ‘Alîyye, haz. İrfan Gündüz, İstanbul: Enderûn Kitabevi, 1995, s. 124-125.*
4. Nasrullah Pûrcevâdî. “Ahmed Gazzâlî”, *Âşinâyân-ı Reh-i Aşk içinde, haz. Muhammed Rıza İsfendiyâr, Tahran: Merkez-i Neşr-i Dânişgâhî, 1384, s. 186-187.*
5. Ahmed Mücâhid. *Mukaddime-i Sevânih. Mecmua-i Âsâr-ı Fârsiyy-i Ahmed-i Gazzâlî. Tahran: İntişârât-ı Dânişgâh-ı Tahran, 1388, s. 280.*